# МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТНОМАСИ

## Шартнома № 18

"28" Апрель　　　　　　　　　　　　　　　　　　　Шахрихон тумани

Кейинги ўринларда "Товар етказиб берувчи-сотувчи" деб аталадиган "EXPRESS TRADE LUX" масъулияти чекланган жамиятининг рахбар С.Абдуллаев оркали бир томондан, кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб аталадиган (Андижон вилояти мактабгача таълим бошкармаси шахрихон туман бўлими) М Мамажонова иккинчи томондан куйидагилар тўгрисида ушбу шартномани туздилар

### 1. Шартнома предмети

1.1. Шартномада товар деб номланувчи «EXPRESS TRADE LUX" MCHJ" масъулияти чекланган жамияти томонидан __.03.2022 да ишлаб чикарилган

1.2. Товарнинг яроклилик муддати Яроклилик муддати товар ишлаб чикарилган кундан бошлаб ўта бошлайди

| № | Товарларнинг номи | Ўлчов | Микдори | Бирлик учун | Контрактнинг умумий |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | пастел белё | комп | 9,910 | 69,000 | 683,790,000 |
| 2 | Одеяло (курпача болалр учун) | дона | 1,371 | 69,000 | 94,599,000 |
| 3 | Матрас | дона | 1,058 | 69,000 | 73,002,000 |
| | | | | | |
| | Ж А М И : | | | | 851,391,000 |

1.3. Умумий нарх **851,391,000** Саккиз юз эллик бир миллион уч юз туксон бир минг сум
1.4. Шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, уларнинг хар бири бир хил кучга эга.

### 2. Товарларни етказиб бериш тартиби

2.1"Буюртмачи" мазкур контрактни ғазначилик бўлинмасида рўйхатга олинган кундан бошлаб 15 календар куни ичида. конунчиликка мувофик, контракт умумий суммасидан 30 %, яъни **595,973,700** сум олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, колган 70%, яъни **255,417,300** сум ни товарни олгандан сўнг 15 календар куни ичида кабул килиш-топшириш далолатномаси, хисоб-фактура ва в.б. асосида тўлайди.

2.2. "Етказиб берувчи" аванс маблағлари Етказиб берувчининг тегишли хисобварағига келиб тушган вактдан бошлаб 15 календар куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади

2.3. Товарлар факат "Гост" масъулияти чекланган жамиятига карашли автомашинада етказилиши керак. Товарлар копларда олиб келиниб, коплар сотувчига кайтарилмайди.

2.4. Товар етказиб беришнинг айрим даврида уни тўлик етказиб бермаган товар етказиб берувчи-сотувчи етказиб берилмаган товарлар микдорини шартнома амал килиш муддати доирасидаги кейинги даврда ёки даврларда тўлдириши лозим.

2.5. Сотиб олувчи етказиб бериш муддати ўтказиб юборилган товарларни кабул килишни рад этишга хакли эмас.

2.6. Сотиб олувчи шартномага мувофик етказиб берилган товарларнинг кабул килинишини таъминлайдиган барча зарур харакатларни амалга ошириши лозим.

Сотиб олувчи сотиб олган товарларни товарлар етказиб берилганидан кейин дархол кўздан кечириши, агарда етказиб бериш билан боғлик камчиликлар аникланган такдирда, товар етказиб берувчи-сотувчини зудлик билан ёзма равишда хабардор килиши лозим.

### 3. Шартнома тарафларининг хукук ва мажбуриятлари

3.1. *Сотувчининг ҳуқуқлари:*

- сотилган товар хакини тўлашни;
- товарни ўз вактида кабул килиб олишни;
- шартнома шартларига тўлик риоя этишни;
- сотиб олувчи томонидан ўзига етказилган зарарларнинг копланишини талаб килиш.

Сотиб олувчи конун хужжатларида белгиланган асосларсиз махсулот етказиб берувчи-сотувчидан товарни кабул килиб олмаган ёки товарни рад этган холларда махсулот етказиб берувчи-сотувчи сотиб олувчидан товар хакини тўлашни талаб килишга хакли.

3.2. *Сотувчининг мажбуриятлари:*

- товарни сотиб олувчига мулк килиб топшириш;
- шартномада назарда тутилган товарни топшириш;
- шартномада кўрсатилган микдордаги товарни топшириш;
- шартномада кўрсатилган сифатдаги товарни топшириш;
- учинчи шахсларнинг хар кандай хукукларидан холи бўлган товарни топшириш;
- шартномада назарда тутилган товарни сотиб олувчига идишда ёки ўралган холда топшириш;
- товарни сотиб олувчига топширгунга кадар саклаш.

Scan with

3.3. *Сотиб олувчининг ҳуқуқлари:*

- сотиб олаётган товарни ўзига мулк килиб топширишни;
- шартномада кўрсатилган микдордаги товарни топширишни;
- шартномада кўрсатилган сифатдаги товарни топширишни;
- учинчи шахсларнинг хукукларидан холи бўлган товарни топширишни талаб килиш.

3.4. *Сотиб олувчининг мажбуриятлари:*

- сотиб олган товар хакини ўз вактида тўлаш;
- товарни ўз вактида кабул килиб олиш;
- шартнома шартларига тўлик риоя этиш;
- сотувчига етказилган зарарни коплаш.

Сотиб олувчи шартноманинг товарлар микдори, сифати, идиши ва ўралиши тўғрисидаги шартлари бузилганлиги хакида сотувчига ўн кун муддат ичида маълум килиши шарт.

## 4. Шартнома бўйича жавобгарлик

4.1. Агар сотиб олувчига унинг талабига кўра сотиш жойида дархол товар тўғрисидаги ахборотни олиш имкони берилмаган ёхуд унинг товарни кўздан кечириш, товарнинг хоссаларини текшириш ёки товардан фойдаланишни кўрсатишни талаб килиш хукуки таъминланмаган бўлса, у чакана олди-сотди шартномасини тузишдан асоссиз бош тортилгани туфайли ўзи кўрган зарарни тўлашни сотувчидан талаб килишга, агар шартнома тузилган бўлса, окилона муддатда шартномани бажаришдан бош тортишга, товар учун тўланган суммани кайтаришни ва зарарни коплашни талаб килишга хакли.

Сотиб олувчига товар тўғрисида тегишли ахборот олиш имконини бермаган сотувчи товар сотиб олувчига топширилганидан сўнг товарда пайдо бўлган камчиликлар учун хам, агар сотиб олувчи бу камчиликлар ўзида бундай ахборот бўлмагани сабабли пайдо бўлганини исботласа, жавобгар бўлади.

4.2. Агарда товар сотиб олувчига идишсиз ва ўрамаган холда ёки тегишли идишга жойламаган ва тегишли даражада ўрамаган холда топширилган такдирда, сотиб олувчи сотувчидан товарни идишга жойлаштириш ва ўрашни ёхуд тегишли бўлмаган идиш ва ўрашни алмаштиришни талаб килиш ёки бу талабларни кўйиш ўрнига ушбу шартноманинг 4.3-банди биринчи кисмидаги талабларни кўйишга хакли.

4.3. Ўзбекистон Республикаси Фукаролик Кодексининг 434-моддасига кўра сотиб олувчига сифати тегишли даражада бўлмаган товар сотилганида, агар унинг камчиликлари шартнома тузиш пайтида маълум килинмаган бўлса, сотиб олувчи ўз хохишига кўра:

худди шу маркадаги (моделдаги, артикулдаги) сифати тегишли даражада бўлган товарга алмаштиришни;

харид нархини тегишинча кайта хисоблаган холда бошка маркадаги (моделдаги, артикулдаги) сифати тегишли даражада бўлган товарга алмаштиришни;

товарнинг камчиликларини текинга бартараф этишни ёки сотиб олувчи ёхуд учинчи шахс томонидан товарнинг камчиликларини бартараф этиш учун килинган харажатлар копланишини;

харид нархини мутаносиб равишда камайтиришни;

кўрилган зарар ўрнини коплаган холда шартнома бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

Товар учун тўланган пул суммасини сотиб олувчига кайтариш вактда сотувчи ундан товардан тўлик ёки кисман фойдаланганлиги, товар кўриниши йўколганлиги ёки бошка шунга ўхшаш холатлар туфайли товар киймати канча пасайган бўлса, шунча суммани ушлаб колишга хакли эмас.

4.4. Сотувчи шартнома бўйича мажбуриятни бажармаган такдирда, зарарни коплаш ва неустойка тўлаш сотувчини мажбуриятни асл холида бажаришдан озод килмайди.

4.5. Агарда сотиб олувчи шартноманинг товарлар микдори, сифати, идиши ва ўралиши тўғрисидаги шартлари бузилганлиги хакида сотувчига ўн кун муддат ичида маълум килмаса, сотувчи шартлар бузилганлиги натижасида келиб чикадиган окибатлар учун жавобгар бўлмайди.

4.6. Товарларни тўлик етказиб бермаганлик ёки етказиб бериш муддатларини кечиктириб юборганлик учун неустойка пеня шаклида ундирилади. Бунда пенянинг микдори хар бир етказиб берилмаган ёки етказиб бериш муддатлари бузилган товарлар умумий суммасининг 1 (бир) % (фоизи) микдорида мажбурият амалда бажарилгунига кадар ундирилади.

4.7. Шартномани бажаришдан бир томонлама (тўликм ёки кисман) бош тортишга тарафлардан бири шартномани жидддий бузган такдирда йўл кўйилади.

Шартномани бузиш куйидаги холларда жиддий деб топилади:

- тегишли даражада сифатли бўлмаган, сотиб олувчи учун макбул муддатда бартараф килиб бўлмайдиган камчиликларга эга бўлган товарларни етказиб бериш;
- товарларни етказиб бериш муддатларини бир неча бор бузиш.

4.8. Агар махсулот етказиб бериш шартномасини бекор килиш ёки ўзгартиришнинг бошка муддати билдириш хатида назарда тутилмаган бўлса, шартнома бир тараф бошка тарафдан шартномани бажаришдан тўла ёки кисман бир тарафлама бош тортиш тўғрисида билдириш хати олган пайтдан бошлаб ўзгартирилган ёки бекор килинган хисобланади.

Scan with

## 5. Форс-мажор холатлар

5.1. Махсулот етказиб берувчи-сотувчи форс-мажор холатлар (мажбуриятларни лозим даражада бажариш учун тўскинлик килувчи енгиб бўлмас куч таъсири, товар етказилаётган пайтда содир бўлган тасодифий шикастланиш, сотиб олувчи эгалигида сув тегиши натижасида товарнинг ёмон холатга келиши ва бошка холатлар) натижасида юзага келадиган окибатлар учун жавобгар бўлмайди.

Мазкур контракт газначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 й. “31” декабригача амал килади.

## 6. Тарафларнинг реквизитлари

Махсулот етказиб берувчи-сотувчи
"EXPRESS TRADE LUX " **MCHJ**
Манзил: Бустон **туман**
Хисобраками: 20208000900917275001
МФО 00628 "Халкбанк" Бустон булими вилоят
Етказибберувчининг ентификация
раками (СТИР): 305741127
ХХТУТ буйича код:

Рахбар: ____________ С.Абдуллаев

EXPRESS TRADE LUX

Имзо ФИШ

Сотиб олувчи:
Ташкилот номи: **Андижон вилояти мактабгача таълим бошкармаси Шахрихон туман булими.**
Манзил: Шахрихон тумани
СТИР коди: **305156363** **ОКОНХ:92400**
Буюртмачи шахсий хисобвараги
: 100022860032307091100251024
Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги
Газначилиги
Газначилик булинмаси ИНН раками : 201122919
Ягона Газначилик хисобвараклари:
23402000300100001010 МФО 00014
Банк номи: Марказийбанк Тошкент шахар
ББХККМ

Рахбар____________ **М. Мамажонова**

Имзо ФИШ

Scan with

## 5. Форс-мажор холатлар

5.1. Махсулот етказиб берувчи-сотувчи форс-мажор холатлар (мажбуриятларни лозим даражада бажариш учун тўскинлик килувчи енгиб бўлмас куч таъсири, товар етказилаётган пайтда содир бўлган тасодифий шикастланиш, сотиб олувчи эгалигида сув тегиши натижасида товарнинг ёмон холатга келиши ва бошка холатлар) натижасида юзага келадиган окибатлар учун жавобгар бўлмайди.

Мазкур контракт газначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 й. "31" декабригача амал килади.

## 6. Тарафларнинг реквизитлари

Махсулот етказиб берувчи-сотувчи
"EXPRESS TRADE LUX " **MCHJ**
Манзил: Бустон **туман**
Хисобраками: 20208000900917275001
МФО 00628 "Халкбанк" Бустон булими вилоят
Етказибберувчининг ентификация
раками (СТИР): 305741127
ХХТУТ буйича код:

Рахбар: ____________ С.Абдуллаев

Имзо ФИШ

Сотиб олувчи:
Ташкилот номи: **Андижон вилояти мактабгача таълим бошкармаси Шахрихон туман булими.**
Манзил: Шахрихон тумани
СТИР коди: **305156363** **ОКОНХ:92400**
Буюртмачи шахсий хисобвараги
: 100022860032307091100251024
Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги
Газначилиги
Газначилик булинмаси ИНН раками : 201122919
Ягона Газначилик хисобвараклари:
23402000300100001010 МФО 00014
Банк номи: Марказийбанк Тошкент шахар
ББХККМ

Рахбар____________ **М. Мамажонова**

Имзо ФИШ

...ми орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Хужжат коди: FV6514151230

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

№ FQ65110102

**1. Loyihaning turi**

**Shartnoma**

**2. Loyihaning nomi**

**MAHSULOT YETKAZIB BERISh ShARTNOMASI**

"Tovar yetkazib beruvchi-sotuvchi" deb ataladigan "EXPRESS TRADE LUX" mas'uliyati cheklangan jamiyatining raxbar S.Abdullaev orqali bir tomondan, keyingi o'rinlarda "Sotib oluvchi" deb ataladigan (Andijon viloyati maktabgacha talim boshkarmasi shaxrixon tuman bulimi) Mamajonova ikkinchi tomondan pastelnoe belyo maxsulotlarini yetkazib berish.to'g'risida shartnoma loyihasi yuzasidan.

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot**

Shaxrixon tuman maktabgacha talim bo'limi tomonidan 28.04.2022 yilda shartnoma loyihasi ishlab chiqilgan.

Shartnoma loyihasi amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Yuridik xizmat ko'rsatish markazi**
**Bosh yuristkonsulti**

**X.Ulugbekov**
2022 yil "29"aprel

Scan with